



“14” 07 2020 у. № 02-06/1405.

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда бир қатор ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини нотўғри қўллаш амалиёти мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар (иш, хизмат) рекламасида “Ўзбекистон таъми”, “Ўзбекистоннинг ҳақиқий муҳаббати”, “Ўзбек таъми”, “Ўзбекистон танлови”, “Ўзбекистон орзуси”, “Ўзбекистон халқи танлови” ҳамда бошқа шунга ўхшаш бўрттирувчи ибораларини қўлланилиши кузатилмоқда ва бу ҳолатлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, бундай ибораларнинг маҳсулотлар рекламасида қўлланиши рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилиқ, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга келиб чиқиб, шунингдек, истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида Сиздан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз, шу жумладан товар (иш, хизмат) таснифига оид берилган тарифни асословчи ҳужжатлари етарлича мавжуд бўлганда ундан фойдаланишингиз сўралади.

Директор ўринбосари

А.Курбонов